

**Ikhtiyor. M. BABANAZAROV,**  
*Independent Researcher of the Department of  
Textology and Literary Source Studies,  
Tashkent State University of the Uzbek language and  
literature named after Alisher Navoi.  
Hamkorlik street, 41/1, 22050,  
Urganch city, Uzbekistan.  
E-mail: [ixtiyori78@mail.ru](mailto:ixtiyori78@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/9

## “АТВОҚ АЗ-ЗАҲАБ” ТАРЖИМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

## TRANSLATIONS OF “ATWAQ AZ-ZAHAB” AND ITS CHARACTERISTICS

## ПЕРЕВОДЫ ПРОИЗВЕДЕНИЯ “АТВОК АЗ- ЗАХАБ” И ИХ ОСОБЕННОСТИ

### КИРИШ

Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий мероси асрлар давомида Шарк ва Ғарб тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, Самъоний, Ёқут Ҳамавий, Ибн Халликон, Ибн Қутлубуғо, Жалолуддин Суютий, Тошқўпирзода, Ҳожи Халифа Чалабий, Абдулхай Лакнавий, Зириклий каби олимлар ўз асарларида алломанинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлар. Ғарб олимларидан Йозеф Фон Хаммер, Гейнрих Леберехт Флайчер, Густав Вейль, Барбиер де Мейнард, Брокельман, Гибб, Крачковский, Белкин ва бошқалар Замахшарий шахсияти ва асарларига оид кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Маҳмуд Замахшарий тафсир, ҳадис, фикх, наҳв, балоғат ва фасоҳат, рухий тарбия ва ахлоқ, адабиёт ва шеърят соҳасида келажак авлод учун буюк маънавий мерос қолдирган олимлардан саналади.

Шундай манбалардан бири – “Атвоқ аз-заҳаб фил маваъизи вал хутаб” (Ўғитлар ва насихатларнинг олтин шодалари) асаридир. Адаб илмининг амалий намунаси бўлган мазкур асар зухд ва чиройли ахлоққа, ёмонликларни тарк этиш ва яхшилиққа буюрувчи насихат ва кўрсатмалардан иборат юзта мақолат (турли мавзудаги ҳикматли адабий парчалар)ни ўз ичига олади. “Атвоқ аз-заҳаб фил маваъизи вал хутаб” асарининг ёзилиши ажиб бир ҳолат билан боғлиқ. Уламолар орасида “Жоруллоҳ” (Аллоҳнинг қўшниси) номи билан танилган Замахшарийнинг

бу китоби Каъба тавофи асносида яратилган. У зот ҳар гал Каъбани тавоф қилганида битта мақолатни қоғозга тушириб, шу тарзда мақолалар сонини юзтага етказган.

Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асари 1835–1836 йиллар оралиғида немис тилига таржима қилинган ва бир неча марта Европанинг турли шаҳарларида нашр қилинган. Мазкур мақолада “Атвоқ аз-заҳаб”нинг немис тилидаги таржимаси “Samachschari’s Goldene Halsbänder” асари ва уни немис тилига таржима қилган Йозеф фон Хаммер, Гейнрих Леберехт Флайчер ва Густав Вейль каби олмон олимларининг ҳаёт ва ижодларига батафсил тўхталамиз.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Йозеф фон Хаммер-Пургсталл (тўлиқ исми: Жозеф Фрейхерр фон Хаммер-Пургсталл) – австриялик тарихчи, шарқшунос ва дипломат, шарқ адабиёти тадқиқотчиси ва таржимони. Венадаги Шарқий тиллар академиясини битирган. У юнон, латин, француз, италян, араб, форс ва турк тилларини билган. Лондонга ташриф буюриб, у ерда инглиз тилини ўрганган. Бир мунча вақт Парижда ишлаган, у ерда Силвестр де Сасй билан учрашган. Кейин Молдавияда (Яси шаҳрида) яшаган. Ватанига қайтиб келганидан сўнг, Вена судининг маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. 1835 йилда у графиня Пургсталлнинг меросхўри бўлгани сабабидан барон унвонини олган.

Йозеф фон Хаммер-Пургсталл 1839 йилда дипломатик хизматни тарк этиб, ўзини тарих ва адабиётшунослик бўйича илмий изланишларга бағишлади. У Австрия Фанлар академиясининг асосчиси ва мазкур академиянинг биринчи президенти бўлган (1847–1849). Шу билан бирга, Франция ёзувлар ва тасвирий адабиёт академияси ҳамда Петербург Фанлар академиясининг чет эллик фахрий аъзоси бўлган (1823). 1959 йилда ташкил топган Австрия Шарқшунослик Жамияти Йозеф фон Хаммер-Пургсталл номи билан аталган. 1981 йилда олим вафотининг 125 йиллигига бағишлаб, унинг тасвири туширилган почта маркаси чиқарилган (Hammer-Purgstall, 1957).

Йозеф фон Хаммер-Пургсталлнинг қуйидаги тарихий асарлари машҳур: “Қотиллар тарихи” (1818), 10 жилддан иборат “Усмонли империяси тарихи” (1827–1835), “Араб адабиёти тарихи” (1850–1856), “Қипчоқдаги Олтин Ўрда тарихи ёки Россиядаги мўғуллар” (1837–1840).

**Аннотация:** Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб фи ал-мавоиъз ва-л-хутаб” асари зухд ва гўзал ахлоққа, ёмонликларни тарк этиш ва яхшиликка буюрувчи олтин насихат ва иршоддан иборат юзта мақола тўпламидир.

Мазкур мақолада ушбу асарнинг таржималари ва асардан таъсирланган таржимонлар ҳақида сўз юритилган. Жумаладан, асарнинг Ғарбдаги таржималари ва уларнинг қадимий ва замонавий наирлари ҳақида маълумотлар берилган. Мақолада “Атвоқ аз- заҳаб”нинг Йозеф фон Хаммер, Гейнрих Леберехт Флайчер ва Густав Вейль каби бир неча олмон олимлари томонидан немис тилига қилинган таржималари ҳамда мазкур таржимонларнинг ҳаёти ва ижоди борасида баҳс қилинган.

“Samachschari's Goldene Halsbänder” номи билан машҳур таржима-асар тошбосма наирларига илмий тавсиф берилади ва ҳар бир тошбосма наирдан намуналар келтирилади. Бундан ташқари, мазкур наирларнинг турли дунё кутубхоналари ва фондларида жойлашуви харитаси ҳамда нисбати жадваллар ва диаграммалар шаклида акс этади.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг дунёнинг турли кутубхоналарида сақланаётган “Атвоқ аз-заҳаб фи ал-мавоиъз вал-хутаб” асари Ғарб олимлари томонидан жаҳон адабиётининг юксак намунаси сифатида эътироф этилади. Хусусан, Американинг Kessinger Publishing наирieti “Атвоқ аз-заҳаб фи ал-мавоиъз вал-хутаб”нинг ноёблиги ҳамда улкан маданий мерос бўлгани сабабли асарни асл нусхадан факсимел равишида қайта наир этишни муҳим деб ҳисоблаган.

**Калит сўзлар:** Руҳий тарбия, “Атвоқ аз-заҳаб”, “Насоих ас-сигор”, “Samachschari's Goldene Halsbänder”, “Les Colliers D'or, Allocutoin Morales”, “Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari”.

**Abstract:** Mahmud Zamakhshari's work “Atwaq az-Zahab fil-Mawai'z wal-Khutab” is a collection of one hundred articles of golden advice and guidance, which instructs us to asceticism and good morals, to abandon evils and to do good deeds.

The article talks about the translations of this book and the translators influenced by this work. For example, information is given about translations of the work in the West and their ancient and modern editions. The article details the translations of "Atwaq az-Zahab" into German by several German scholars such as Joseph von Hammer, Heinrich Leberecht Fleischer, and Gustav Weil, as well as the life and work of the translators.

The translated lithographs known as “Samachschari's Goldene Halsbänder” are scientifically described and samples of each lithograph are given. In addition, the geographical map of the location of each translated work in different world libraries and funds, as well as the ratio are reflected in the form of tables and diagrams.

Mahmud Zamakhshari's work "Atwaq az-Zahab fil-Mawai'z wal-Khutab" which is kept in different libraries around the world, is recognized by western scholars as a high example of world literature. In particular, because of the uniqueness and great cultural heritage of the work, American publishing house Kessinger Publishing considered it important to reprint it in facsimile from the original.

**Keywords:** Spiritual training, “Atwaq az-Zahab”, “Nasaih as-Sighar”, “Samachschari's Goldene Halsbänder”, “Les Colliers D'or, Allocutoin Morales”, “Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari”.

**Аннотация:** Работа Махмуда Замаҳшари «Атвaк аз-заҳаб фи аль-маваиъз валь-хутаб» представляет собой сборник из ста статей "золотых" советов и руководства, которые призывают к аскетизму и добрым нравам, отказу от плохих поступков и добрым поступкам.

В данной статье рассматриваются переводы этого произведения, а также переводчики, на которых оно повлияло. В частности представлены сведения о западных переводах произведения и их старинных и современных изданиях. В статье рассматриваются переводы «Атвaкa аз-Заҳабa» на немецкий язык несколькими немецкими учеными, такими как Йозеф фон Хаммер, Генрих Леберехт Флейхер и Густав Вейль, а также жизнь и деятельность этих переводчиков.

Дается научное описание такой известной литографии перевода как «Samachschari's Goldene Halsbänder» и приводятся примеры каждого издания данной литографии. Кроме того, карта нахождения и соотношение этих изданий в разных мировых библиотеках и фондах отражена в виде таблиц и диаграмм.

Произведение Махмуда Замаҳшари «Атвaк аз-заҳаб фи аль-маваиъз валь-хутаб», хранящееся в разных библиотеках мира, признано западными учеными высоким образцом мировой литературы. В частности, американское издательство Kessinger Publishing посчитало важным переиздать произведение в факсимиле с оригинала ввиду его уникальности и большого культурного наследия.

**Ключевые слова:** духовное воспитание, «Атвaк аз-Заҳаб», «Насоих ас-Сиг'ор», «Samachschari's Goldene Halsbänder», «Les Colliers D'or, Allocutoin Morales», «Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari».

Тарихий асарлардан ташқари, Йозеф фон Хаммер-Пургсталл араб, форс ва турк тилларида битилган асарларни ҳам таржима қилган. Жумладан, Ҳофизнинг “1001 кеча эртақлари” ва “Девон” асарларини таржима қилиб, машҳур немис адиби ва шоири Гёте ижодига катта таъсир кўрсатган. У Ғарбий Европада биринчи бўлиб Фузулий ҳақида хабар берган. Қоҳирада Ибн Вахшийнинг “Яширин иероглифлар ва алифболар” ҳақидаги қўлёзмасини сотиб олиб, уни 1806 йилда Лондонда таржима қилиб нашр қилган. Бир қатор қадимий ёзувлар ва Миср иероглифларини очиб, мисршуносликнинг ривожига ҳисса қўшган (Hammer-Purgstall, Grenzgänger zwischen Orient und Okzident, 2008).

### МУҲОКАМА

Йозеф фон Хаммер-Пургсталл буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб фи алмавоиъз вал-хутаб” асарини немис тилига таржима қилиб, аллома номини бутун ғарб оламига танитган шахслардан бири ҳисобланади.

Мазкур таржима “Samachschari's Goldene Halsbänder” номи остида немис ва араб тилидаги матнлар билан бирга 1835 йил Вена шаҳрида нашр қилинган. Бу Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” мақолалар тўпламининг немис тилига биринчи таржимаси ва литографик нашри эди. Тошбосма асарнинг арабча матни 60 бетдан, немис тилидаги таржима матни эса, 54 бетдан иборат. Муқоваси қаттиқ, қоламаларнинг зарҳал қирралари, яшил ранг билан зарҳалланган, сарлавҳа саҳифаси ва муқова мармар фони билан ажралиб туради. Муқова бироз ишқаланган. Муқованинг ички тарафи жигарранг, бироз қизарган.

Араб тилидаги матн насх хатида ёзилган бўлиб, биринчи бетда гулсимон бир нақшли доира шаклининг ичида ва гуллар орасида асар номи ва муаллифи ёзилган: أطواق الذهب الزمخشري

Иккинчи бетда гулсимон нақшли тўртбурчак шакл ичида بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ ёзуви акс этган. Мазкур ёзувлардан сўнг муаллиф муқаддимаси қуйидагича бошланади:

Дунё устози, фозиллар раиси, араб ва ажаларнинг устози, буюк имом, зоҳид, комил ва моҳир аллома Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад аз-Замахшарий айтадилар... (Hammer-Purgstall, 1835)

Муқаддимадан кейин мақолалар кетма-кетликда жойлаштирилиб, биринчи мақола 1 рақами ва المقالة сўзи билан бошланган. Кейинги мақолалар фақат рақам билан белгиланган ва охириги мақола 99 рақами билан белгиланган ва унга 100-мақола қўшилиб кетган. Шунинг учун охириги мақола 100 рақами билан ажратилмаган. Балки айни ҳолат Йозеф фон Хаммер фойдаланган қўлёзма матни билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Йозеф фон Хаммер мазкур китобнинг хулоса қисмида шундай ёзади:

«Ушбу мақолатлар жумла жаҳоннинг Эгаси, Подшоҳи бўлган, барча халқларга уларнинг тилларини ато қилгучи Зот ёрдами ила саодатли Вена шаҳрида (Аллоҳ уни узун замонлар турли офатлардан асрасин) чоп қилиш ва мақолаларни рақамлаш учун белгиланган “Дорун наим” нашриётида 1834 милодий сана Меҳржон 12-жумадул аввал куни, Ҳазрат Муҳаммаднинг (унга саловот ва саломлар бўлсин) хижратидан 1250 сана кейин ҳар ишга қодир Парвардигорига муҳтож, дуоларининг мувофиқ суратда ижобат бўлишига зор фақир мутаржим Юсуф (Йозеф) фон Хаммер дастхати билан ниҳоясига етди» (Hammer-Purgstall, 1835).

Немис тилидаги матн готик услубда ёзилган бўлиб, ўзига хос бир тарихий маъно касб этади. Титул саҳифасида қуйидаги ёзувлар бор:

Samachschari's goldene Halsbänder (Замахшарийнинг олтин тўплами), янги нашр, арабча ва немисча, Joseph von Hammer, арабча ёзувли муҳр, нашр жойи: Вена, нашриёт: ношир Gedruckt bey A. St a gauss', нашр йили 1835.

Иккинчи бетда:

Überseßung des Giegels auf dem Titelblatte.

“Сарлавҳа саҳифасидаги муҳрнинг таржимаси”.

“Менинг нафсим олтинмас, кўзим қувонадиган бисот ҳам эмас

Балки ҳамиша янгиланиб турадиган шон ва шарафдур.”

Йозеф фон Хаммер таржимани аввало ўз ҳамкасблари шарқшуносларга мурожаат ва бағишлов билан бошлайди. Бу учинчи бетда ўз аксини топган:

“Ҳамфикрингиз, мутолаачингиздан барча шарқшуносларга бағишлов” (Hammer-Purgstall, 1835).

### Zueignung.

An alle Orientalisten

von ihrem Mitgenossen, dem Übersetzer.

**“Ҳамфикрингиз, мутолаачингиздан барча шарқшуносларга бағишлов!”** (Hammer-Purgstall, 1835).

Худди шу йили Лейпцигда Гейнрих Леберехт Флайчернинг яна бир таржимаси пайдо бўлди. У Йозеф фон Хаммернинг таржимаси устида ишлаб, асарни қайта таржима қилади ҳамда танкидий ва изоҳли шарҳлари билан бирга Лейпциг шаҳрида чоп эттиради.

Гейнрих Леберехт Флайчер 1801 йил 21 февралда Саксония Қироллигининг Шандау шаҳрида дунёга келган. 1814 йилда Баутзендаги коллежда таълим олишни бошлаган. 1819–1824 йилларда Лейпциг университетининг диншунослик факультетида ўқиган. Кейин Парижда 1824–1828 йилларда араб, форс ва турк тилларини ўрганган. 1831 йилда Саксония пойтахти Дрезденда Креузшуле роҳиблар мактабида дарс берган. 1835 йилда Лейпциг университети илоҳиёт факультети профессори ва 1840 йилда мазкур университетнинг фалсафа факультетида шарқ тиллари ўқитувчиси бўлган. Унинг ташаббуси билан ушбу университетда араб тили ва адабиёти йўналиши очилган. Париждаги Осие жамияти ҳамда Лондондаги Осиешунослар Қироллик жамияти фахрий аъзоси бўлган. 1845 йилда Олмон шарқ жамияти ташкил этилишининг асосий ташаббускори ҳамда унинг фаол аъзоларидан бири бўлган (Dugat, 1870).

1849 йилдан Санкт-Петербург Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлган. 1868 йилда Пруссиянинг “Поур ле Мерите” ордени билан мукофотланган. Гейнрих Леберехт Флайчер 1888 йил 10 февралда Лейпциг шаҳрида вафот этади. (Fück, 1955).

Гейнрих Леберехт Флайчер ҳам Йозеф фон Хаммер-Пургсталл каби буюк аллома Махмуд Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асарини таржима қилиб, нашр эттиради. Натижада аллома ва унинг мазкур асарини бутун Ғарб оламига янада машхур қилади.

Мазкур таржима “Samachschari’s Goldene Halsbänder” номи остида 1835 йилда немис тилида Лейпциг шаҳрида Карл Гейнрих Реклам томонидан нашр қилинган. Гейнрих Леберехт Флайчер таъкидлашча, бу асар Йозеф фон Хаммер таржимасининг тузатилган матни бўлиб, танкидий ва экзетик шарҳдан иборат. Йозеф фон Хаммер таржимасидан фарқли равишда бу асарда

арабча матн тўлиқ берилмасдан, немис тилига таржима қилинган ва фақат изоҳталаб сўзларгина шарҳланган.

Ушбу тошбосма нусха Австрия шахсий коллекцияларидаги чиройли китоб намунаси бўлиб, муковаси яшил, Мароқаш нақшлари ва зарҳалланган ёзувлари билан ажралиб туради. Асар Саксония-Анхалт университети ва давлат кутубхонаси Якин Шарқ махсус фондининг рақамли кутубхонасида de11911 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг таҳқиқ ва муқаддима қисми 15 бетдан иборат бўлиб, рим рақамлари билан белгиланган (Hammer-Purgstall, 1835).

Махмуд Замахшарий муқаддимаси ва юзта мақола таржимаси 84 бетдан иборат бўлиб, араб рақамлари билан белгиланган.

Асар таржимасида фақат изоҳлардагина арабча сўзларни учратиш мумкин.

Таржиманинг энг охириги 3-бетида тузатишлар берилган (Hammer-Purgstall, 1835).

1836 йили Махмуд Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асари яна бир бор немис тилига таржима қилинди. Мазкур таржима Густав Вейль томонидан амалга оширилди. У Йозеф фон Хаммернинг таржимасидаги камчиликларни тузатиб, танкидий мулоҳазалар келтирган. Шунингдек, Йозеф фон Хаммернинг таржимасидаги арабча матнни Қохирада қўлга киритилган қўлёзма асосида ислоҳ қилган.

Густав Вейль – немис шарқшуноси, Хейделберг университетининг шарқ тиллари профессори. У ёшлигидан иброний, француз ва лотин тилларини ўрганган. 1828 йилда Хейделберг университетига ўқишга кирган. Таълимни давом эттириш учун 1830 йилда Парижга бориб, у ерда Силвестр де Сасй, Е.Куатремере ва А.Перрон каби устозлардан араб тилини ўрганган. Французлар Жазоирга бостириб кирганидан сўнг, у ўқишни тўхтатиб, “Аугсбургер Аллгемеине Зейтунг” газетасининг ҳарбий муҳбири сифатида Жазоирга кетган (Dunlop, 1962).

1831 йил январда у Мисрга кўчиб ўтиб, Қохирада Мехмед Али Пошо томонидан янги очилган Абу Заъбел тиббиёт мадрасасида француз тилидан дарс бера бошлаган. Шу билан бирга, Муҳаммад Айёд Тантовий ва Аҳмад Тунисий каби олимлардан араб, форс ва турк тилларидан дарс олган.

1835 йил март ойида Истанбулга бориб, бироз муддат шу ерда истикомат қилган, турк тилини яхшилаб ўрганган. Германияга қайтиб келганидан сўнг, 1836 йилда Тюбинген университетидан фан доктори илмий даражасини олган. 1845 йилдан шу университетнинг шарқий тиллар курсларига ишга кирган. 1861 йилда у Шарқий тиллар профессори этиб тайинланади. У 1889 йил 29 августда Германиянинг Фрайбург шаҳрида вафот этган. Немис шарқшунослари жамияти, Осие ва Америка Шарқ Жамияти каби ташкилотларнинг аъзоси бўлган Густав Вейль Баден ва Пруссия давлатларининг турли мукофотларига сазовор бўлган. Вафотидан сўнг арабча қўлёзмалар тўплами унинг фарзандлари томонидан Хейделберг университетига топширилган.

Густав Вейль 1837–1841 йилларда “Минг бир кеча” асарини арабчадан немис тилига 4 жилдда ва 1864 йилда Ибн Ҳишомнинг “Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти” асарини 2 жилдда таржима қилган. Булардан ташқари, у Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асарини таржима қилиб, аллома номи ҳамда мазкур асарини бутун Ғарб оламига янада машҳур қилади. Густав Вейльнинг “Атвоқ аз-заҳаб” ва “Минг бир кеча”ни немис тилига таржима қилиши жаҳон адабиётига қўшилган муҳим ҳисса ҳисобланади (А.Мерх Weil, Gustav, 1896).

Густав Вейль Хаммернинг немис тилидаги таржимасини қайта ишлаб, ундаги хатоларни тўғрилаб чиқади. Мазкур таржима “Samachschari’s Goldene Halsbänder” номи остида 1836 йилда немис тилида Штутгарт шаҳрида чоп этилган.

Мазкур тошбосма Бавария давлат кутубхонаси ва Мюнхен рақамли кутубхонасининг Араб-Шарқ фондида А.ОR-1913 рақами остида сақланмоқда. Муковаси мармарсимон қоплама билан мустаҳкамланган.

Асар готик хатида нашр қилинган бўлиб, 180 бетдан иборат. Китоб бошланишида бир неча бетда титул варақ такрорланади, асарнинг таҳқиқ ва муқаддима қисми 13 бетдан иборат бўлиб, рим рақамлари билан белгиланган. Маҳмуд Замахшарий муқаддимаси ва юзта мақола таржимаси 46 бетдан иборат. Мақолаларнинг немис тилидаги шарҳи эса 112 бетдан иборат бўлиб, араб рақамлари билан белгиланган.

Асар таржимасида бирорта ҳам арабча сўз қўлланилмаган, зарурат бор жойларда немисча


транскрипциядан фойдаланилган. Таржиманинг энг охирида тузатишлар берилган.

## НАТИЖА

“Атвоқ аз-заҳаб”нинг 1835 йилда А.Штраусс томонидан нашр қилинган Вена нусхаси ғарбда жуда кенг тарқалган. Жумладан, унинг микрофильми Германиянинг 20 га яқин кутубхоналаридан жой олган. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатларининг 15 дан ортиқ ва Канаданинг бир неча кутубхоналарида ҳам сақланади. Шунингдек, асар Франциянинг Страсбург шаҳридаги Миллий ва универсал кутубхонаси, Словениянинг Марибор шаҳридаги Миллий кутубхона ахборот тизими, Ахборот фанлари институти ва Любляна шаҳридаги Миллий университет кутубхонаси, Исроил Миллий кутубхонасидан ҳам жой олган.


Йозеф фон Хаммер таржимаси Мюнхен шаҳрида 1990–94 йиллар давомида Саур Верлаг нашриётида кўп сонли адабда, микрофильм шаклда кўпайтирилади ва ғарб оламининг турли кутубхоналарига ҳам тақдим этилган.

Куйидаги диаграммада Йозеф фон Хаммернинг “Атвоқ аз-заҳаб” таржимаси “Samachschari’s goldene Halsbänder” асарининг дунё фондларида жойлашув нисбатини кўриш мумкин:




“Атвоқ-уз заҳаб” асарининг Гейнрих Леберехт Флайшер таржимаси “Samachschari’s goldene Halsbänder” асари тошбосма нашрнинг микро нусхаси Швеция, Дания, Германия, Швейцария, Голландия, Англия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Исроил ва Австралия давлат кутубхоналарида ҳам мавжуд.

Мазкур асарнинг тошбосма нусхаси дунё фондларида жойлашув нисбатини куйидаги диаграммада кўриш мумкин:



“Атвоқ аз-заҳаб”нинг Густав Вейль таржимаси “Samachschari's goldene Halsbänder” тошбосма нашрининг микро нусхаси Германия, Швейцария, Голландия, Англия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Франция кутубхоналарида сақланади. Куйидаги диаграммада мазкур тошбосманинг дунё фондларида сақланиш нисбати акс этган:



### ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Йозеф фон Хаммернинг аллома Махмуд Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асарини немис тилига таржимаси, аллома ва унинг мазкур асарини бутун Ғарб оламига танилишига хизмат қилди. Мазкур таржима “Samachschari’s Goldene Halsbänder” номи остида 1835 йилда Вена шаҳрида А. Штраусс томонидан нашр қилинган ва Ғарбда жуда кенг тарқалиб, Гейнрих Леберехт Флайчер,

Густав Вейль ва Барбиер де Мейнард каби немис ва француз олимларининг таржималарига катта туртки ва асос бўлган.

Таъкидлаш керакки, Махмуд Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асари қадимда ҳам Европада машҳур бўлган, ҳозирда ҳам чет тилидаги таржималари нашр этилмоқда. Юқоридаги тошбосма ва куйидаги замонавий нашрлар бунинг яққол мисоли бўлади:

“Атвоқ аз-заҳаб” ни 2006 йилда F.Charles Horne инглиз тилига ўгириб, Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari” деб номлайди. Асар 2006 йилда АҚШда нашр этилади ва 2010 йилда АҚШнинг Kessinger Publishing нашриётида чоп этилади.

“Атвоқ аз-заҳаб”нинг замонавий нашри Samachschari's Goldene Halsbänder. 112 бетдан иборат, 2010 йил 5 январда Германияда Nabu Press нашриётида ҳамда 2014 йил 8 июнда Book on Demand Ltd. нашриётида чоп этилган.

“Атвоқ аз-заҳаб”нинг замонавий нашри Samachschari's Goldene Halsbänder. 66 бетдан иборат, 2018 йилда Германияда Forgotten Books нашриётида чоп этилган.

1876 йилда асар Барбье Мейнард томонидан француз тилига таржима қилиниб, француз тилида шарҳланган. “Атвоқ аз-заҳаб”нинг 256 бетдан иборат мазкур таржимаси Les Colliers D'or, Allocutoin Morales номи билан 2010 йил 8 апрелда Германияда Nabu Press нашриётида чоп этилган.

“Атвоқ аз-заҳаб” Чарльз Файл Хорн томонидан инглиз тилидаги таржима қилиниб, Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari номи остида 2006 ва 2010 йилларда АҚШнинг Kessinger Publishing нашриётида чоп этилган.

Махмуд Замахшарийнинг дунёнинг кўп кутубхоналаридан жой олган “Атвоқ аз-заҳаб” асари Ғарб олимлари томонидан жаҳон адабиётининг юксак намунаси ва нодир санъат асари сифатида эътироф этилган. Зеро, Американинг Kessinger Publishing нашриёти асарнинг қийматини куйидагича эътироф этади: “Ушбу ноёб антик асар улкан маданий мерос бўлгани жиҳатидан уни асл нусхадан қайта нашр этиш муҳим деб ҳисобладик. Замонавий нашрларда ҳам жаҳон адабиётини ҳимоя қилиш ва асраш ҳамда кенг тарғиб қилиш каби бурч ва мажбуриятларимизни адо этиш мақсадида, бу ноёб асарни, аслиятига содиқ қолишини назарда тутиб, барчага ҳамёнбоп ва арзон ҳолда тақдим этдик” (Horne, 2006).

Умуман олганда, Ғарб оламида ўрганилган ва ўрганилаётган алломалар ва уларнинг ноёб асарлари ҳар бир Ўзбекистон фуқаросида ифтихор туйғусини уйғотиши табиий ҳол. Шу билан бирга, диёримиздан етишиб чиққан олимлар ва уларнинг асарларини ўрганиш ҳамда бутун дунёга танитиш ёш олим ва тадқиқотчилар олдида турган масъулиятли вазифалардан биридир. Олтин насихат ва иршодлардан иборат Замахшарийнинг бу каби асарларини ўрганиб оммага тақдим этиши юртдошларимизни, айниқса, ёшларни аждодларга муносиб авлод бўлиб камол топишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. G.Dugat. (1870). Histoire des orientalistes de l'Europe. Vol. II. Paris.
2. D.Dunlop. (1962). Some Remarks on Weil's History of the Caliphs, in *Historians of the Middle East*. (B.L.Holt, Ed.) London: Oxford University Press.
3. J.Fück. (1955). *Die Arabischen Studien in Europe*. Leipzig.
4. Hammer-Purgstall. (1835). *Samachschari's goldene Halsbänder*. Vena.
5. Hammer-Purgstall. (1957). *An der Schwelle zum Orient*. (K.L.Weber, Ed.) Graz, Wien: Stiasny .
6. Hammer-Purgstall. (2008). *Grenzgänger zwischen Orient und Okzident*. (H.D.Galter, & S. Haas, Eds.) Graz.
7. C.F.Horne. (2006). *Golden Necklaces Or Maxims Of Zamakhshari-Pamphlet*. Montana: Kessinger Publishing.
8. Merx Weil, Gustav. (1896). In: *Allgemeine Deutsche Biographie*. Vol. 41. Leipzig: Duncker &.
9. J.H.Zedlers. (1735). *Grosses vollständiges Universal-Lexicon Aller Wissenschaften und Künste* Vol. 12. Leipzig.
10. Д.Фозил Солиҳ Самроий. (1971). *Замахшарийнинг нахвий ва луғавий қарашлари*. Бағдод: Матбаатул Иршод.
11. О.Жураев. (2010). *Маҳмуд Замахшарий*. Тошкент: Тафаккур.
12. Замахшарий. (1994). “Атвоқ аз-заҳаб фи ал-мавоиъз вал-хутаб”, Аҳмад Абдуд-Таввоб Аваз таҳқиқи. Қоҳира: Дорул фазилят.
13. З.М.Исламов. (2014). *Сочинение “Золотые ожерелья” и его влияние на развитие литературы народов востока “Социосфера”*. № 2.
14. Мирза Юсуфхон ибн Иътисомул-малик (1314х.). *Қалويدул адаб фи шарҳи Атвоқ аз-заҳаб*. Қоҳира: Мактабутул Азҳария лит-Турос.
15. Н.А.Сулаймонова. (2005). *Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Атвоқ аз-заҳаб” асари // Шар. филологиясининг тугун ва ечимлари*. Илмий мақолалар тўплами (ТДШИ). Тошкент.
16. ЎзР ФА Шарқшунослик институти “Атвоқ аз-заҳаб фи ал-мавоиъз вал-хутаб” № 16016, №18970 тошбосма нусхалари.
17. Фозил Зоҳид. (2011). *Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума (Атвоқу-з-заҳаб” асари асосида) / Таржима муаллифи Р.Зоҳид*. Тошкент: Муҳаррир нашриёти.

### REFERENCES

1. G.Dugat. (1870). *Histoire des orientalistes de l'Europe*. Vol. II. Paris.
2. D.Dunlop. (1962). *Some Remarks on Weil's History of the Caliphs*, in *Historians of the Middle East*. (B.L.Holt, Ed.) London: Oxford University Press.
3. J.Fück. (1955). *Die Arabischen Studien in Europe*. Leipzig.
4. Hammer-Purgstall. (1835). *Samachschari's goldene Halsbänder*. Vena.
5. Hammer-Purgstall. (1957). *An der Schwelle zum Orient*. (K.L.Weber, Ed.) Graz, Wien: Stiasny.
6. Hammer-Purgstall. (2008). *Grenzgänger zwischen Orient und Okzident*. (H.D.Galter, & S. Haas, Eds.) Graz.
7. C.F.Horne. (2006). *Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari-Pamphlet*. Montana: Kessinger Publishing.
8. Merx Weil, Gustav. (1896). In: *Allgemeine Deutsche Biographie*. Vol. 41. Leipzig: Duncker.
9. J.H.Zedlers. (1735). *Grosses vollständiges Universal-Lexicon Aller Wissenschaften und Künste*. Vol. 12. Leipzig.
10. D.Fazil Salih Samrai. (1971). *Grammatical and lexical views of Zamakhshari*. Baghdad: Matbaatul Irshad.
11. O.Jurayev. (2010). *Mahmud Zamakhshari*. Tashkent: Tafakkur.
12. *Zamakhshari*. (1994). *Atwaq az-zahab fi al-mawai'z wal-khutab*. Cairo: Dar al-Fadilat.
13. Z.M.Islamov. (2014). *Sochineniye “Zolotiye ojerelya” i yego vliyaniye na razvitiye literaturi narodov vostoka “Sosiosfera”*. № 2.
14. Mirza Yusufkhan ibn Itisamul-Malik (1314h.). *Qalaid al-Adab fi sharhi Atwaq az-zahab*. Cairo: Maktabatul Azhariyya lit-turas.
15. N.A.Sulaymonova. (2005). “*Atwaq al-Zahab*” by Mahmud al-Zamakhshari // *Collection of scientific articles (TDSHI)*. Tashkent.
16. “*Atwaq az-Zahab fi al-mawai'z wal-khutab*” lithographic copies No. 16016, No. 18970 of the Institute of Oriental Studies of the Russian Academy of Sciences.
17. Fazil Zahid. (2011). *Tasbih of Zamakhshari or 101 verses (based on the work “Atwaq az-zahab”)/ The author of the translation is R. Zahid*. Tashkent: Muharrir publishing house.